




BUILDERS OF THE FUTURE

journal homepage:
<https://kelajakbunyodkori.uz/>



NORMATIVE AND LEGAL FOUNDATIONS OF POVERTY REDUCTION IN UZBEKISTAN

Kholida Sultonova

Teacher

Tashkent State Medical University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Employment, social protection.

Abstract: This article provides detailed information about the measures taken in recent years in Uzbekistan to reduce poverty, increase employment and incomes of the population, as well as the normative and legal foundations of these efforts.

Received: 28.04.25

Accepted: 10.05.25

Published: 14.05.25

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАСИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Холида Султонова

Ўқитувчи

Тошкент тиббиёт давлат университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда уларнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.

НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Холида Султонова

Преподаватель

Ташкентский государственный медицинский университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Занятость, социальная защита.

Аннотация: В данной статье представлена подробная информация о мерах, предпринятых в последние годы в Узбекистане по сокращению бедности, повышению занятости и доходов населения, а также о нормативно-правовых основах этих процессов.

Ўзбекистон ўз ижтимоий сиёсатини миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойиллари асосида олиб бормоқда. Бунда ушбу тизимни қонуний тарзда йўлга солишда унинг норматив-ҳуқуқий асослари муҳим роль ўйнамоқда. Бу борада соҳага оид қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, Фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни катта бўлиб, улар тизимнинг қонуний асосда ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш тизимининг норматив-ҳуқуқий асосларини ёритишда фуқаролик жамиятини барпо этиш юзасидан давлат, жамият ўртасида муҳим халқ вазифасини бажарувчи ижтимоий-сиёсий институтлар, ННТлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва ривожланиш босқичларига аҳамият қаратиш лозим бўлади.

Янги Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган янги ислохотлар ижтимоий соҳалар тараққиёти, жумладан фан, таълим, маданият, спорт соҳаларини ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, кексалар ва ногрионларни реабилитация қилиш, ёлғиз пенсионерлар ва қарияларни асраб-авайлаш, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан шериклик асосида тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш ва ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди ва соҳанинг институционал базаси ривожига хизмат қилди. Жумладан, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси»да фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношаро ташкилотлари билан ижтимоий шериклик механизми янада мустаҳкамланди.

Стратегияда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сифатини тубдан ошириш, аҳолининг сифатли ва аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ошириш, фан, таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда давлат бошқарув органларининг масъулиятини ошириш, аҳоли қатламлари билан ҳамкорликни тўғри ташкил этиш лозимлиги алоҳида қайд этилган бўлиб, бу борада, режавий асосда изчил ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу босқичда айниқса Ўзбекистонда 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланиши ижтимоий сиёсатнинг изчил амалга оширилаётганлигидан далолат берди. Жумладан, республика Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини

янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди .

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сонли Фармонига мувофиқ самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Мазкур вазирликка камбағалликни қисқартириш борасида қуйидаги вазифалар белгиланди:

– иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

– камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; – барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чоратадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш кабилар .

2020 йил 2 мартда Ўзбекистон Президентининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Унда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш

турган ер майдонлари аниқланиб, уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Ҳужжатда белгиланишича, янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади; Янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

Ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхати шакллантирилиб, кишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерлар талабгорларга тақсимлаб берилади ва улар кооперацияларга бириктирилади. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилади ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилади. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқароларга, ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганлар ва бизнесга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўяди. 2020 йил 1 августга қадар,

-камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

-аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

-энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

-тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш тасдиқланди .

2020 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонга мувофиқ барча тадбиркорлик субъектлари 1 сентябргача мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод этилиши, ижтимоий солиқ ставкаси 1 %га туширилиши белгиланди . Унга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари; бозорлар ва савдо мажмуалари; кинотеатрлар; умумий овқатланиш жойлари; жамоат транспортлари ташкилотлари; спорт-

соғломлаштириш муассасалари; йўловчиларни ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, ёпик жойларни ижарага бериш, шу жумладан банкетлар ташкил этиш билан шуғулланадиган юридик шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига апрель-май ойлари учун тақдим этилган, мол-мулк ва ер солиғининг фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаларидан; 2020 йил 1 январдан бошлаб 2020 йил 15 майгача бўлган муддатда ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган пеня ва жарималардан воз кечилиши белгиланди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб ўртача 25 фоизгача пасайтириладиган қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш ҳукуқи берилди.

2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Шунингдек, ”Меҳнат кодекси” янги таҳрири ишлаб чиқилди. Қайд этиш керак, камбағаллик тоифасидаги ва умуман барча аҳолига бандлик хизматлари кўрсатиш “Ягона ойна” тамойили асосида сифат ва натижадорлиги юқори даражага оширилиб, 2017 йилда 274 минг аҳолига хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирга келиб йилига 1 миллион фуқарога бандлик хизматлари кўрсатиляпти. Иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат шартномалари тузиш, электрон меҳнат дафтарчаси юритиш бўйича “Ягона миллий меҳнат тизими” ишга туширилди. Ишсиз аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишнинг янгича тизими йўлга қўйилди. 52 та касб-хунарга ўқитиш марказлари, 555 та касб-хунарга ўқитиш масканлари, 28 та ишга марҳамат “Мономарказ”лари фаолият юртимокда. Қувонарли ҳолат шундаки, мамлакатимизда “World Skills International” халқаро ассоциацияси тавсиялари асосида ўқиш йўлга қўйилиб, дунё ҳамжамияти тан олган сертификат бериш жорий этилди. Ўқитиш сифати ва ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида Россия, Туркия, Япония, Корея давлатларидан 62 нафар мутахассис ҳам жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.08.2021 йилдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш қўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэътироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилди.

Унга мувофиқ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб: а) 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси (кейинги ўринларда — болалар нафақаси) жорий

этилади. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади; тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади; унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади; б) якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланадиган бўлди .

Шунингдек, 2021 йил 3 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра мазкур лавозим эгалари маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муаафақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятни олиб боришлари белгиланди .

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) таклифларига асосан туман (шаҳар) ҳокими ва унинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — ҳоким ёрдамчиларининг таклифларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги таклифига асосан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири томонидан;

б) «ҳамкорлик шартномалари» лойиҳалари мос равишда Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши кўрсатилди .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” ги қарорида 2022 йилдан бошлаб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган

деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар йили август ойига қадар минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз параметрларини инфляция кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисоблаши;

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз кўрсаткичларини келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларини шакллантиришда инобатга олиниши;

Давлат статистика қўмитаси минимал истеъмол харажатлари ва камбағаллик даражасини ҳар йилги ҳисобот йилида инфляция даражасидан келиб чиқиб, кейинги йилнинг 20 январига қадар эълон қилиб бориши;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, минимал истеъмол харажатлари таркибини республика иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли даромад ва харажатларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқиши таъкидланди .

Қарорга кўра минимал истеъмол харажатларини ҳисоблашда ҳар бир уй хўжалиги аъзоларининг ёши, таркибидан келиб чиққан ҳолда тегишли коэффициентларни қўллаш;

уй хўжаликлари кузатувлари қамровини 2023 йилгача босқичма-босқич 2 баравар ошириш;

камбағалликни қисқартиришнинг янги воситаларини амалиётга жорий этишни назарда tutuvchi чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланганлиги аҳамиятга моликдир .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ПФ–287–Фармонига биноан, Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароити ва салоҳиятидан келиб чиқиб, республикадаги 208 та шаҳар ва туманлар 5 та тоифага ажратилган:

1.Тадбиркорлик шароитлари ҳартомонлама ривожланган республика бўйича 26 та туман энг юқори 1 тоифага ўтказилади.

2.Инфратузилмаси талаб даражасида ривожланган 46 та туман 2 тоифага бўлинади.

3.Шароитлари нистабан қониқарли бўлган 76 туман тоифага.

4.Жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман тўртинчи тоифага.

5.Шароити оғир бўлган 20 та туман бешинчи тоифага киритилади.

Айниқса Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Қонуни иқтисодийнинг мазкур секторига давлат ва минтақавий даражада рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Қонунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- маҳаллалар ҳудудида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни микромолиялаштириш учун барча имкониятлар ва кучларни сафарбар этиш ҳамда инвестициялар учун кенг йўл очиш;
- маҳалла аҳолисининг оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мамлакатимизда минтақаларида кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш;
- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиявий маблағлар ажратилишини кенгайтириш;
- оилавий тадбиркорлик учун маҳаллалар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш биноларини ҳунармандчилик устахоналари ташкил этиш, халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланиш ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш учун ижара шартлари асосида ажратиш. Маркетинг ва менежмент масалаларида тадбиркорларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.
- маҳаллада янги ташкил этиладиган ва мавжуд иш юритувчи тадбиркорлар ўз иш фаолиятларини олиб боришда маҳалла раислари билан ҳамфикр, баҳамжиҳат иш олиб боришларига эришиш кабилар.

Камбағалликка камайтириш, унинг даражаси юқори бўлган ҳудудларда уни камайтириш, имкон қадар уларни камбағаллик қатламидан чиқариш чораларини кўриши лозим бўлмоқда. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Бизнинг фикримизча, Камбағалликка барҳам бериш учун қуйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:-камбағалликни қисқартириш бўйича иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаларини тадқиқ этиш асосида камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни ҳудудий жиҳатдан баҳолаш услубиятини жорий қилиш асосида муҳтож қатламнинг ижтимоий таъминот даражасини минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш; -маҳаллалар кесимида маҳаллий бошқарув органлари орқали оилаларнинг турмуш даражаси, яшаш шароитлари ва ижтимоий аҳволини ўрганиш асосида, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш ва аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;-

ҳар бир маҳаллада аниқланган ижтимоий аҳволи оғир аҳоли қатламларининг рўйхати асосида уларнинг ҳар бирида қандай иқтисодий имкониятлар мавжудлигини ўрганиш асосида камбағалликни тугатишнинг аниқ тизимли ва манзилли йўналишларини ишлаб чиқиш;- ҳудудларда меҳнат бозорининг шаклланиши ва таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучининг ички ва ташқи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш, меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги тизимли ишлар олиб бориш асосида ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш чоралари кўриладиган бўлди .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарори аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг миллий ва умуминсоний мезонларига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси кам таъминланган oilаларни ижтимоий таъминот масалалари, яъни, нафақалар тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ масалалар тубдан ўзгарган бўлиб, 2021 йилга қадар ижтимоий таъминот мамлакатимизда мураккаб механизмда ишлаган бўлса, бугунга келиб «Ижтимоий ҳимоя ягона реэстри» ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда .

Умуман, қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили камбағаллик даражасига тушиб қолган шахслар, ижтимоий ҳимояталаб oilалар ва моддий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига, кам таъминланган аҳоли, кўп болали oilалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ва бошқа тоифаларни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан таъминлашга қаратилган давлатнинг ижтимоий сиёсатини ифодалашда муҳим интегратор қонуний ҳужжат вазифасини ўтади. Албатта, жамиятда ижтимоий таъминот адолатли амалга оширилиши ва манзилли бўлиши муҳимдир. Шунингдек, мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган oilаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда эҳтиёжманд фуқароларнинг ижтимоий таъминотини тўлиқ қамраб олиш аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абилов, У. (2022, May). Давлат тили ҳақида мулоҳазалар. Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини кенг тарғиб қилишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти ва ўрни мавзусида илмий-амалий онлайн конференция материаллари.
2. Абилов, У. (2022, May). Давлат тилига эътибор-миллий ўзликни англаш ва уни намоён қилиш асосидир. Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини кенг тарғиб қилишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти ва ўрни мавзусида илмий-амалий онлайн конференция материаллари.

3. Абилов, У. М. (2022). Садоқатли дўст тимсолига молик ҳаёт фалсафасига амал қилган инсон (Doctoral dissertation, Орзуларга ҳамоҳанг ҳаёт. Профессор ДТ Норкуловнинг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари).
4. Abilov, U. M., & Shakasimovich, M. B. (2022). Spirituality is a Light from the Mirror of the Soul. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 104-109.
5. Kholikova, R. E., Narkulov, D. T., Abilov, U. M., Khudoykulov, A. B., Karimov, N. R., Iskandarov, S. A., ... & Niyozova, N. S. (2023). Impact of Renaissances in The History of Uzbekistan And Causative Factors of The Third Renaissance. *Journal of Law and Sustainable Development*, 11(12), e2518-e2518.
6. Абилов, Ў. М. (2024). Социальные и гносеологические основы оптимизма-пессимизма (Doctoral dissertation, Filologiya, falsafa, madaniyat va san'at: umumiy muammolar va yechimlar).
7. Абилов, У. (2022). Миллий-маданий меъросимиз бўлган давлат тили ҳақида мулоҳазалар (Doctoral dissertation).
8. Абилов, У. (2022). Учинчи ренессанс давлат тилига эътибордан бошланади (Doctoral dissertation).
9. Kholikova, R. E., Narkulov, D. T., Abilov, U. M., Khudoykulov, A. B., Karimov, N. R., Iskandarov, S. A., ... & Niyozova, N. S. (2023). Impact of Renaissances in The History of Uzbekistan And Causative Factors of The Third Renaissance. *Journal of Law and Sustainable Development*, 11(12), e2518-e2518.
10. Бўриев, О., & Искандаров, Ш. А. (2023). АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ЭТНОГРАФИК МЕРОСИ. *Журнал гуманитарных и естественных наук*, (4 [1]), 182-189.
11. Iskandarov, S. A. (2023). Historiography of the lifestyle and ethnocultural processes of the uzbeks of the kashkadarya oasis. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(10), 71-76.
12. Kholikulov, A. (2024). Some comments about the political situation in the central asian khanates in the early 70s of the XIX century. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 4(05), 50-55.
13. Холикулов, А. Б. (2024). XIX–XX аср бошларида шахрисабз беклиги ҳунармандчилигига оид мулоҳазалар. *Science and innovation*, 3(Special Issue 6), 261-263.
14. Искандаров, Ш. А. (2021). ТЖ Барфилднинг марказий осиё араблари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.
15. Искандаров, Ш. (2014). Амир Темур ва темурийлар даврида жейнов арабларининг миграция билан боғлиқ айрим мулоҳазалар.